

КОНСТИТУЦИЯ ВА ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ — ҲУҚУҚИЙ ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ ЭНГ МУҲИМ МЕЪЗОНИДИР



Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси

Ассалому алайкум, азиз ватан-дошлар!

Мухтарам меҳмонлар!

Хонимлар ва жаноблар!

Аввало, барчангизни, бутун халқимизни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 27 йиллик байрами билан самимий табриклаб, эътир тилакларимни изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Хурматли дўстлар!

Ҳар бир давлат ўз истиқлол ва тараққиёт йўлини танлар экан, халқ фаровонлигини таъминлашга хизмат қиладиган энг муҳим мақсад ва вазибаларини ўзининг Конституцияси — Асосий Қонунида мустаҳкамлаб олади. Бинобарин, ўз халқининг хоҳиш-иродаси, дили ва тилидаги эзгу ниятларига ҳамоҳанг Конституцияга эга бўлган мамлакат ўзи белгиллаган юксак марралардан ҳеч қачон оғинмасдан, доимо олдинга қараб боради.

Тарихга назар солсак, асрлар давомида шаклланган маънавий-ахлоқий қадриятлар ва инсоннинг табиий ҳуқуқлари цивилизация жараёнида натижасида Конституция шаклига келганини кўрамиз.

Конституция башариёт ҳаётида илк бор инсоннинг озод ва эркин яшаш, мулкка эга бўлиш, таълим олиш, меҳнат қилиш, сайлаш ва сайланиш каби ҳуқуқларини, суз ҳамда эътиқод эркинликларини олий қадрият даражасига кўтарди.

Мустақиллигимизнинг илк даврида қабул қилинган Конституциямиз шахс, жамият ва давлат ўртасидаги муносабатларда ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларда уларнинг қароқарорлигини аниқ-равшан белгилаб берди.

Бош Қомусимиз, жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқишдан қатъи назар, юртимиз фуқаролари тенглигининг қароқарорлигини аниқ-равшан белгилаб берди.

Айнан шу сабабли Конституциямизни эҳтиром билан улуғлашимиз, ҳар томонлама ўрганишимиз, унга изчил амал қилишимиз, Асосий Қонунидаги муҳассам бўлган ажодларимизнинг буюк мероси ва уюм-инсоний қадриятларни ёшларимиз қалбига сингдиришимиз зарур.

Хурматли юртдошлар!

Сохибқирон Амир Темури бобоимиз **“Давлат қонунлар асосида қурилмас экан, ундай салтанатнинг шуқуқи, қудрати ва таркиби йўқолади”**, деб таъкидлаган эдилар. Шу нуқтаи назардан, Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш биз бунёд этаётган

демократик ҳуқуқий давлатнинг бош меъзони ҳисобланади.

Ҳар қандай демократик ислохотлар самараси, тинчлик ва тараққиётнинг асосий гарови ҳам Конституция ва қонун устуворлиги таъминлиши билан бевосита боғлиқ.

Қонун устуворлиги — бу давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари чиқараётган ҳужжатлар, мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари фақат ва фақат Конституция ҳамда қонунларга мувофиқ бўлиши шарт, деганидир.

Шу боисдан ҳам барча бўғиндаги кадрлар, у хоҳ вазири, ҳоким ёки оддий фуқаро бўлсин, Конституция ва қонунларни пухта билиши, уларнинг ижросини тўғри ташкил этиши ҳамда биринчи навбатда, бу қоидаларга бутун жамият аъзолари қатъий амал қилиши шарт бўлган муҳит яратилиши зарур.

“Конституция ва қонун устуворлиги — фаровон ҳаёт гарови” деган тушунча фуқароларимизнинг онги ва қалбига чуқур ўрин эгаллаши ҳамда ижтимоий эҳтиёжга айланиши учун қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратиш лозим, деб ҳисоблайман.

Биринчидан, қонунлар ижросини самарали ташкил этиш, тизимли муаммоларни олдиндан кўра билиш, қонун бузилишининг салбий оқибатларига қарши қураиши билан бирга, бундай ҳолатни барвақт бартараф этишга қаратилган тизимли шакллантириш айниқса долзарбдир. Афсуски, ушбу талаблар бизда ҳали тўлиқ бажарилмоқда, деб айта олмаймиз.

Шу йилнинг ўзида 70 дан ортиқ қонун, 350 дан зиёд Президент Фармони ва қарорлари қабул қилинди. Бу қонун ҳужжатлари қим учун ва нима мақсадда қабул қилинмоқда? Албатта, халқимиз фаровонлиги учун.

Масалан, иқтисодиётимизни жадал ривожлантиришнинг муҳим шарти бўлган **“Давлат-хусусий шериклиги тўғрисида”**ги Қонуни қабул қилганимизга 7 ой бўлди. Кўпдан буён қўтилган, ҳаётнинг ўзи талаб этаётган бу қонун лойиҳаси устида биз узок вақт ишладик. Ушбу ҳужжат фуқароларнинг давлат ва жамият вазибаларини бажаришга доир конституциявий ҳуқуқини амалга оширишнинг таъсирчан механизмидир.

Хозирги вақтда айрим тармоқларда давлат-хусусий шериклик бўйича лойиҳаларни амалга ошириш бошланди. Аммо соғлиқни сақлаш, таълим, транспорт, йўл қурилиши, коммунал хўжалиги каби

йўналишларда, аксарият ҳудудларда ҳали бу борада ташаббус умуман сезилмаяпти.

Вазир ёки ҳоким қонуннинг мазмун-моҳиятини тушунмаса, англаб етмаса, уни ҳаётга татбиқ этишда жонбозлик кўрсатмаса, ислохотларимизнинг олдинга юриши, одамларда ташаббус уйғотиш қийин бўлади.

Ҳудудлардаги экин майдонларида руҳсатномасиз, ўзбошимчилик билан қурилиш қилиш, бино-иншоотларни бетартиб бузиш каби ноҳуш ҳолатлар қонунлар ижросини назорат қилиш ишлари оқсаяётганидан далolat беради. Шу боис Парламент, Ҳукумат ва Олий суд қабул қилинаётган қонунлар ижросини таъминлашнинг самарали механизми қўлаши зарур.

Бу борада кадрларни ўқитиш ва малакасини оширишга, ҳуқуқий ахборотни замонавий усуллар орқали кенг оммага етказишга, қонунларни билиш ва қўллаш бўйича мутасадди раҳбарлар фаолиятини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқишга биринчи даражали эътибор қаратиш лозим.

Иккинчидан, Конституция ва қонун устуворлигига эришишда жамоатчилик назоратидан кўра самарали восита йўқ.

Буюк юнон олими Афлотун шундай деган эди: **“Халқ қонунларга эҳтиёж сезиб, уларни пухта ўрганса, бу фақат унинг ўзига фойда келтиради. Акс ҳолда қонундан қўзланган мақсадга эришиб бўлмайди”**.

Ҳақиқатан ҳам, халқимиз қонун бузилишига қарши қаттиқ турмас экан, давлат идоралари, мансабдор шахслар қанчалик уринмасин, қонун устуворлигини таъминлаш қийин бўлади.

Бугун жамоатчилигимиз том маънода уйғонди, энди турли лавозимдаги шахсларнинг хатти-ҳаракатларига одамларимиз бевосита баҳо бериб, ўз фикрини эркин ифода этишга ўрганмоқда.

Яқунлаётган йилда Давлат бюджетни илк бор кенг муҳокама этилиб, очиклик ва ошқоралик руҳида қабул қилинди. Унда турли зирлик ва идоралар ҳар бир сўмини нимага ва қандай харажат қилиши аниқ кўрсатиб берилди.

Фуқароларимиз ва депутатларимиз билдирган фикрлар асосида мактабларга мебель ва компьютерлар харид қилиш учун бюджет харажатларини қисқартириш ҳисобидан 50 миллиард сўм қўшимча маблағ ажратилди. Бундай ижобий ҳолат бизнинг таърибамизда биринчи марта юз бераётганини алоҳида қайд этиш лозим.

Ёки кўпчилигингиз хабардорсиз, кейинги пайтда жойларда дарахтларни оммавий равишда кесиш кучайиб кетган эди. Бу одамларнинг норозилигига сабаб бўлди. Шунинг учун қиёда дарахтларни сабабсиз кесишга қарши мораторий эълон қилинди. Бу ҳам жамоатчилик фикри қандай кучли таъсирга эга эканига мисол бўла олади.

Буларнинг бари одамларимизнинг ижтимоий жараёнларга нисбатан масъулият ва дахлдорлик ҳисси ошиб бораётганини кўрсатади.

Айни вақтда жамоатчилик назорати **“бир томонлама восита”**га айланиб қолмаслиги керак.

Давлат идоралари фақат фуқароларга эмас, балки ўзларига нисбатан танқидий фикрларни ҳам адолат билан, ҳолис кўриб чиқишлари лозим. Шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфасини ўзгартириш, қурилиш ва обodonчиликка оид қарорлар, дастлаб ўша ҳудуддаги аҳоли ўртасида муҳокама қилиниб, жамоатчилик экспертизасидан ўтказилиши шарт.

Яна бир масалага диққатингизни жалб қилмоқчиман.

Конституцияга асосан, судлар ўз фаолиятида мустақил, лекин уларнинг чинакам назоратчиси халқ бўлиши керак.

Судлар ва тергов идоралари бирон-бир иш юзасидан чиқарилган қарор бўйича фуқароларнинг мувофиқ муҳокама қилиниши ва ҳуқуқий изохлар бериши зарур.

Шуни аниқ тушуниб олиш лозимки, **жамоатчилик назорати — бу фақатгина давлат идоралари фаолияти устидан назорат эмас, балки жамиятнинг ўзини ўзи бошқариш усули, бошқача айтганда, фуқаролик жамиятини тараққий топтиришнинг муҳим омилларидан биридир.**

Шунинг учун Фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича маслаҳат кенгаши, Фуқаролик жамиятини ривожлантириш маркази, Нодавлат тоғхорат ташкилотлари миллий ассоциацияси келгуси йилда ҳар бир соҳа ва тармоқ бўйича жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг таъсирчан тизимини яратишга бош-қош бўлиши ва ташаббус кўрсатиши лозим.

Жамоатчилик назорати, биринчи навбатда, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари, молия, банк, таълим, соғлиқни сақлаш, коммунал хўжалик, энергетика ва транспорт соҳаларида жорий этилиши зарур. Шунингдек, бозорлар ва савдо мажмуаларидаги махсулотлар ва хизмат кўрсатиш сифати каби масалалар ҳам доимо жамоатчилик назоратида бўлиши даркор.

Учинчидан, оммавий ахборот воситалари қонунийликни қарор топтиришда чинакам “жамият кўзуси”га айланиши керак.

Суз эркинлигини таъминлашга қаратилган ислохотлар ўтган уч йилда жамиятимиз ҳаётида туб бурилиш ясади.

Бугунги кунда халқимиз орасида юриб, уни қийнаётган ижтимоий муаммоларни кўрсатиб бераётган энг катта куч — бу мустақил ва ҳолис оммавий ахборот воситалари вакиллари.

Демократик ислохотларимиз натижасида оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқлар мансабдор шахсларни ўз ишмини қонуний асосда тўғри ташкил этишга ундамоқда. Шу сабабли ҳам давлат органлари фаолияти тўғрисидаги маълумотларни жамоатчиликка тўлиқ ва тезкор етказиш мақсадида уларнинг ҳар бирда матбуот хизмати иш бошлади.

Аслида, демократик жамиятда барча давлат хизматчилари оммавий ахборот воситалари билан яқин ижтимоий ҳамкорлик қилишга ўрганиши керак.

Маълумки, бугунги кунда аънавий ахборот воситалари билан бирга интернет, ижтимоий тармоқлар, блогерлар жамоатчилик фикрини шакллантиришда катта роль ўйнамоқда.

Давлат ва жамият бошқарувида, қундалик фаолиятимизда очиклик ва ошқоралик таъминлигини қулайитириш мақсадида биз фуқароларнинг суз эркинлиги, ахборот олиш ва тарқатишга оид конституциявий норманинг ижросини амалда тўлиқ таъминлашимиз зарур. Бунинг учун эса биринчи галда оммавий ахборот воситалари ҳақидаги қонунчиликни тақомиллаштириш керак ва биз бу борада фаол иш олиб бормоқдамиз.

Шу муносабат билан жамоатчилик назорати ҳам, оммавий ахборот воситалари ҳам ягона бир мақсадга, яъни халқимизни рози қилиш ва унинг турмушини яхшилашга қаратилганини ҳаммамиз бирдек англашимизни истардим.

Ҳар бир давлат органи ижтимоий тармоқларда ўз саҳифасига эга бўлиши, амалга ошираётган ишлари ҳақида, керак бўлса, ҳар кун батафсил маълумот бериб бориши шарт.

Яна бир марта тақорлайман, **Ўзбекистонда жамоатчилик назорати ва оммавий ахборот воситалари вакиллари қонуний ҳақ-ҳуқуқларига ҳеч қандай шаклда тазйик ўтказишга йўл қўйилмайди.**

Тақдимот

ХИТОЙДА «ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ — ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ИСЛОХОТЛАР ДАВРИНИНГ МЕЪМОРИ» НОМЛИ КИТОБ НАШР ЭТИЛДИ

Пекиндаги Хитой халқаро муаммолар академиясида “Президент Шавкат Мирзиёев — Ўзбекистондаги ислохотлар даврининг меъмори” номли китобнинг тақдими бўлиб ўтди. Ушбу асар ХХР Ташқи ишлар вазирлигининг Хитой халқаро муаммолар академияси мувофиқлаштируви остида “Халқаро ҳаёт” нашриёти томонидан чоп этилди.

Асарда Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистоннинг замонавий ривожланиши ва келажаги юзасидан стратегик қарашлари, давлатимиз раҳбарининг Марказий Осиё минтақаси, ШХТ ва Евроосиё ҳудудида ҳавфсизлик ва тараққиёт таъминлашидаги фаол хизматлари ўз ифодасини топган. Шу билан бирга, мамлакатимиз ички ва ташқи сиёсатида тарихан қисқа даврда амалга оширилган изчил ўзгаришлар ҳақидаги маълумотлар хитойлик китобхонларнинг эътиборига ҳавола қилинган. Унда, шунингдек, муаллифларнинг Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги стратегик шериклики янада чуқурлаштириш бўйича концептуал фикрлари ҳам акс этган.

Китоб муаллифлари қаторида Хитой Халқ Республикасининг нуфузли таҳлилий-илмий марказлари раҳбарлари ҳамда экспертлари, жумладан, Хитой замонавий халқаро муносабатлар академияси, Ташқи ишлар вазирлигининг Хитой халқаро муаммолар академияси, Хитой ижтимоий фанлар академияси ва бошқа қатор ташкилотларнинг етакчи таҳлилчилари бор.

Тақдимот маросимида Хитойнинг расмий, ижтимоий-иқтисодий, илмий-академик доиралари, етакчи оммавий ахборот воситалари вакиллари ва дипломатик корпус раҳбарлари иштирок этди.

Хитой халқаро муаммолар академияси президенти Ци Чжэнхун маросимни очар экан, Ўзбекистон етакчиси фаолиятининг илк кунларида ноқамал равишда узоқ муддатли ривожланишидаги асосий вазибаларни белгилаб бергани ва улар 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича

Харакатлар стратегияси доирасидаги кенг қўламли ислохотлар дастурининг асосини ташкил этишини таъкидлади.

— Ўзбекистонда рўй бераётган кенг қамровли ўзгаришларда “Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун”, “Одамлар эртага эмас, узоқ келажақда эмас, айнан бугун ўз ҳаётида ижобий ўзгаришларни кўришни истади” каби тамойилларга содиқлик муҳим аҳамиятга эга, — деди Ци Чжэнхун. — Бундай ёндашув давлат ва жамиятни тизимли ислох қилишда Президент Шавкат Мирзиёев олиб бораётган ички сиёсатнинг асосини ташкил этади.

Хитой Халқ Республикаси ҳукуматининг Евроосиё масалалари бўйича махсус вакили Ли Хуэй ўз чиқишида Президент Шавкат Мирзиёев фаолиятида пухта стратегияни ишлаб чиқари хусусида тўхталар экан, ислохотлар Ўзбекистонни қўлаб қиритгани, мамлакатда изчил ижобий ўзгаришлар рўй бераётгани, шу боис Марказий Осиёда ва умуман, жаҳонда Ўзбекистоннинг обрў-эътибори тобора юксалиб бораётганини эътироф этди.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг биринчи бош қотиби, ХХР ташқи ишлар вазирининг собиқ ўринбосари Чжан Дзуган кейинги йилларда Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Ўзбекистон жадал ривожланаётгани хусусида тўхталиб, халқ билан тўғридан-тўғри мулоқот воситасида инсон манфаатларини таъминлаш борасида изчил ва диққатга молик натижаларга эришилаётганини айтди.

Ғамхўрлик

КЕЧИРИМЛИК — ХАЛҚИМИЗГА ХОС ФАЗИЛАТ

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 27 йиллиги муносабати билан Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан имзоланган Фармонга мувофиқ, жазо муддатини ўтаётган, қилмишга чин қўйилган пушаймон бўлган бир гуруҳ шахсларга нисбатан афв эълон қилинди.

Халқимизга хос бўлган кечиримлилик ва бағрикенглик фазилатларини ўзида муҳассам этган мазкур ҳужжатга биноан, 92 нафар фуқаро афв этилди.
► 71 нафари жазодан озод қилиниб, оиласи бағрига қайтди.
► 2 нафари озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолардан озод этилди.
► 19 нафарининг жазо муддатлари қисқартирилди.
Афв этилганлар орасида
► 3 нафар 60 ёшдан ошган шахс, ► 3 нафар аёл бор.

ОЗОД ВА ЭРКИН ҲАЁТИМИЗНИНГ МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИ



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўзига хос йил сарҳисобиغا айланган Конституция байрамида яқунланётган йилда бажарилган ишлар кўз олдимиздан ўтади, нималарга эриша олдигу, қайси вазифаларни удалашда сусткашликка йўл қўйилди, деган савол кўндаланг бўлади.

Давлатимиз раҳбари ўз маърузасида шу масалага эътибор қаратди. Мамлакатимизда қонунийликни таъминлаш, давлат ва жамият бошқарувида, қўндалди ҳаётимизда до чўкилва ва ошқоралик тамойилларини қарор топтириш, халқимизни рози қилиш борасидаги вазифаларга тўхтади.

Асосий Қонунимида инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шайни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият сифатида белгиланган. Мамлакатимизда бундан уч йил олдин халқ билан мулоқотнинг мутлақо янги шакли — Халқ қабулхоналари ташкил этилгани фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим омил

ниши, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ишлаб чиқаётган ҳужжатлар, мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари фақат ва фақат Конституция ҳамда қўнунларга мувофиқ бўлиши шартлигини алоҳида таъкидлади. Конституция ва қўнун устуворлигига эришишда жамоатчилик назоратидан самарали восита йўқ экани, қонунийликни қарор топтириш, қўнун бўзилишига қарши курашиш борасида жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари "уйғонгани" қайд этилди.

Жамиятда ҳуқуқий онг ва маданиятни юксалтириш борасидаги ишларни узлуксиз давом эттириш, бу борадаги кўндалмаларни фарзандлар тарбиясига болалиқдан сингдириш кераклигига эътибор қаратилди.



Азиз АБДУЛЛАЕВ ва Оқил ҒУЛОМОВ (ЎзА) олган суратлар.

Бош Қонунимида белгиланган инсонпарвар тамойиллар тўла амалга оширилмоқда. Сўнгги йилларда Президентимизнинг жиноят содир этганларни афв этиш бўйича 8 та Фармони қабул қилиниб, 4 мингдан зиёд шахслар жазони ўташ жойларидан озод қилинди.

Конституция байрами арафасида давлатимиз раҳбари яна бир шундай Фар-

ХИТОЙДА «ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ – ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ИСЛОҲОТЛАР ДАВРИНИНГ МЕЪМОРИ» НОМЛИ КИТОБ НАШР ЭТИЛДИ

Шу ўринда хитойлик сиёсатчи "Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак" деган тамойил Ўзбекистондаги ўзгаришлар асосини ташкил этишини қайд этди.

Хитой Тижорат вазирлиги Евроосиё департаменти директорининг ўринбосари Лю Сюэсун ислохотлар бераётган салмоқли самаралар ҳақида атрафлиқа тўхтади. У халқаро рейтингларда Ўзбекистоннинг ўрни тобора юқорилаб бораётгани ҳамда мамлакатда ҳаётга таъбиқ этилаётган янгиланишлар иқтисодий муҳит ва сармоявий иқлимнинг тобора жозибаб бўлишига хизмат қилаётганини таъкидлади.

Тақдимот маросимида Хитой Халқ сиёсий маспахат кенгашининг аъзоси, Хитой замонавий халқро муносабатлар академияси маспахатчи Ци Чжие, ШХТ тадқиқотлар маркази директори Дэн Хао, Евроосиё институти директори Ли Цзюмо ва бошқалар Ўзбекистон Президентининг очик, ташаббускор ва конструктив сиёсати тўғрисида қисқа муддат оралигида яхши қўшничилик, ўзаро ишонч ва хурмат, бир-бирининг манфаатларини ҳисобга олиш тамойиллари асосида Ўзбекистоннинг Марказий Осиёдаги қўшни мамлакатлар билан фаол ва самарали мулоқоти равнақ топгани, ўзаро алоқалар шунга монанд равишда тобора ривожланаётганини қайд этди.

Жумладан, суудан фойдаланиш, чегараларни демаркация ва делимитация қилиш, транспорт қатновлари, савдо-иқтисодий алоқалар, минтақалараро ҳамкорлик ва бошқа ўта муҳим масалалар бўйича ўзаро манфаатли қарорлар қабул қилингани

бу фикрнинг яққол далили эканлиги алоҳида таъкидланди.

Тадбирда сўзга чиққанлар "Президент Шавкат Мирзиёев — Ўзбекистондаги ислохотлар даврининг меъмори" номли асар Хитойнинг илмий, академик ва эксперт доиралари вакиллари учун Ўзбекистондаги замонавий ислохотлар ҳамда Марказий Осиёдаги жараёнларни чуқур ўрганиш нуктаи назаридан муҳим манба бўлишини алоҳида билдирди.

Ўзбекистондаги тизимли ўзгаришлар расмий Тошкент ва Пекининг Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ҳамда "Бир макон, бир йўл" ташаббуси доирасидаги муносабатларида ҳам ўз аксини топди.

Икки мамлакат етакчиларининг сиёсий иродаси ва сазй-ҳаракатлари тўғрисида қисқа муддатда Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги алоқалар янги даражага чиқди, ўзаро дўстлик, ҳамкорлик, бир-бирини қўллаб-қувватлаш муносабатлари изчил моҳиятини касб этди. Юқори ва олий даражадаги ташрифлар тобора кўпаймоқда, гуманитар-иқтисодий алоқалар мустаҳкамланмоқда. Стратегик шериклик янгидан-янги амалий мазмун билан бойиб бормоқда.

— "Президент Шавкат Мирзиёев — Ўзбекистондаги ислохотлар даврининг меъмори" китобининг тақдимида қатнашганимдан бениҳоя хурсандман, — деди Хитой ҳукумати махсус вакили Ли Хуэй. — Мамлакатда сўнгги уч йилда олиб борилаётган прагматик сиёсат тўғрисида кўпгина соҳаларда катта натижаларга эришилди. Давлат раҳбари Ўзбекистон ривожланишини янги босқичга кўтариш мақсадида тараққиётнинг стратегик йўналишларини белгилаб берди. Бугунги кунда чет эл

сармоядорларига жуда қўлай шароитлар яратилаётгани ҳам барчанинг эътиборини тортмоқда. Мен яқинда Ўзбекистонга сафар қилиб, республика қисқа муддатда ижобий ўзгаришларга эришганига гувоҳ бўлиб қайтдим. Шу ўринда икки мамлакат раҳбарларининг сиёсий иродаси тўғрисида олиб борилаётган янги босқичга олиб чиқиш таъминлангани, Ўзбекистон ва Хитой ўртасида стратегик шериклик изчил ривож топаётганини алоҳида таъкидлашни истар эдим.

— Ўзбекистон Президенти олиб бораётган ташки ва ички сиёсат, мамлакатда ҳаётга таъбиқ этилаётган кенг қамли иқтисодий ислохотлар ҳақида илмий тадқиқот олиб бориш ва китоб ёзишни анчадан бундан олдин қилар эдим, — деди Хитой халқро тадқиқотлар академияси Евроосиё институтининг директори Ли Цзюмо.

— Бу гоёни қўллаб хитойлик ҳамкасбларимиз билан биргаликда рўёбга чиқарганимиздан мамнунмиз. Ўзбекистонда олиб борилаётган ички ва ташқи сиёсатдаги ижобий янгиланишлар уни Марказий Осиёдаги сиёсий жараёнлари ривожланишининг тамойилларини белгиловчи муҳим давлатга айлантирди. Шу ўринда Ўзбекистон Президентининг "Хитой фуқаролари учун Ўзбекистон Республикасига киришда визасиз режимни белгилаш тўғрисида"ги Фармони ва бу тартибнинг 2020 йил 1 январдан жорий этилиши мамлакатларимиз ўртасида сайёҳлик соҳасидаги ўзаро алоқаларни ривожлантиришга катта ҳисса қўшилиши алоҳида таъкидламоқчиман.

Шуҳрат УМИРОВ, «Дунё» АА мухбири, Пекин

КЕЧИРИМЛИК — ХАЛҚИМИЗГА ХОС ФАЗИЛАТ

Мазкур Фармон тўғрисида кўндалмаларимизда ўз оиласига қайтиб, турмушини ўнглаш, фарзандлари тарбияси ҳамда ўз лаёқати ва шароити мос меҳнат билан шуғулланиш, умумхалқ айёми қўшалок байрам сифатида оиласи даврасида нишонлаш имконига эга бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Афв этиш масалалари бўйича комиссия тавсиясига кўра, жазо муддатини ўтаётган, қилмишига чин қўнгулдан пушаймон бўлган ҳамда комиссия томонидан қўшимча ўрганиш лозим, деб топилган шахслар

лар билан бевосита суҳбат ўтказиш мақсадида 6 та ишчи гуруҳи шакллантирилди ва қабул қиладиган ҳулосаларимизнинг ҳолис ва адрлатли бўлишини таъминлаш мақсадида улар таркибига ҳуқуқ-тартибот идоралари, Омбудсман ва жамоат ташкилотлари вакиллари кириштирилди.

Гуруҳимиз аъзолари томонидан Тошкент вилоятининг Олмалик шаҳри, Зангиота ва Ўрта Чирчиқ туманлари ҳамда Андижон вилоятининг Хонобод туманидаги жазони ижро этиш муассасаларида жазо муддатини ўтаётган шахслар билан суҳбатлар ўтказилди.

Мулоқот давомида аксарият суҳбатдошларимиз айбига тўла иқдорлиги, қилмишига чин қўнгулдан пушаймонлиги ва афв этилган тақдирда жиноятга қайта қўл урмаслигини билдиришди.

Қолаверса, суҳбат чоғида уларни ёлғизлаб қўймаслик, иш ўринлари билан таъминлаш, шу мақсадда қўрилаётган қорат тадбирлар хусусида сўзлаб берганимизда, уларнинг қўзларидан озодликка чиқиш ва эртанги кунга бўлган ишонч уқунлари қақнаганлигини ҳис этдик.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, сўнгги уч йилда 4044 нафар

шахснинг афв қилингани мисолда Конституциямиз 113-моддасида белгилаб қўйилганидек, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шайни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият сифатида юртимизда қанчалик улуғланаётганлигини кўриш мумкин.

Айни чоғда юртимизда жиноят учун жавобгарлиқни либераллаштириш ва жазони декарминлаштиришга қаратилган суд-ҳуқуқ соҳаси ислохотлари тизимида шаклланган Афв этиш институти қисқа фурсатда қанчалик самара бераётганлигини қайд этиб ўтиш зарур.

Шуҳрат УСМОНОВ, «Нуроний» жамғармаси Республика бошқаруви расмининг ўринбосари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Афв этиш масалалари бўйича комиссия аъзоси.

РИЗҚ-РЎЗИМИЗ БУНЁДКОРЛАРИНИНГ ҚУТЛУҒ АЙЁМИ

МАМЛАКАТИМИЗДА «ҲОСИЛ БАЙРАМИ» ВА ХАЛҚ САЙИЛЛАРИ КЎРИНИШИДА КЕНГ ТАНТАНА ҚИЛИНМОҚДА

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан қабул қилинган Қонунга мувофиқ, декабрь ойининг иккинчи яшанбаси Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ҳўжалиги ходимлари куни этиб белгиланган. Бу гал ушбу байрам ўзгача руҳда нишонланмоқда.



Ифтихор

Дарҳақиқат, деҳқончилик учун мураккаб келган жорий йилги об-ҳаво шароитида экинларни обитобида парваришлаб, юқори ҳосилдорликка эришиш осон кечмади. Айниқса, қўқлам салқин ва серёғин келгани баҳорги юмушларни орқага суриб юборган бўлса, ёз ойлариде жазирама кунлар узок давом этиб, қўқли гармсёллар қўзатилгани бўлғуси ҳосил тақдирини хавф остига қўйди. Табиатнинг шу каби қўқилмаган синовларида тобланган миришкор фермерларнинг бой тажрибасига суянилгани, қолаверса, амалиётга интенсив ва тежамкор технологиялар жорий этилгани тўғрисида бу каби қўқинчиликлар мардоннавор енгиб ўтилди. Мамлакатимиз бўйича 7 миллион 128 минг тонна галла, 2 миллион 900 минг тонна пахта, 11 миллион тонна сабзавот, 2,8 миллион тонна мева, 1,7 миллион тонна узум, 13 миллион тонна гўшт тайёрлашга эришилгани бунинг яққол тасдиғидир.

Қўқла кирилган ютуқларнинг асосий омиллари ҳақида гап кетганда, аввало, ер ҳақиқий эгасига берилиб, кластер тизими жорий этилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Негаки, қишлоқ ҳўжалиги ва саноат йўғунлашган ишлаб чиқаришнинг "занжир" усули қўқлаб худудларни қўқоқлик исканжасидан олиб чиқмоқда. Масалан, 10 йилдан бунён пахтачиликда шартномавий режа уддаланмай келинаётган 40 та туманда кластер усули таъбиқ қилинган, шартнома мажбурияти ортиги билан уддаланди.

Айтиш жоизки, 2017 йилда республикада атиги битта пахта-тўқимачилик кластери ташкил этилган бўлса, 2018 йилда улар соғи 15 тага, 2019 йилда 75 тага етказилди. Улар томонидан бў йил 701 минг гектар ерда ғўза парваришланиб, 2 миллион 65,3 минг тонна ҳосил олинди. Қиёсий ҳисоб-китобларга

қараганда, янгилик шарофати билан ҳосилдорлик гектарига 7 центнерга ошган. Шу боис келгуси йилда бундай субъектлар сонини 91 тага етказиш режалаштирилмоқда. Пахтачиликда ўзини оқлаган ишлаб чиқаришнинг замонавий мазкур технологияси эндиликда қишлоқ ҳўжалигининг бошқа тармоқларига ҳам кенг жорий қилинаётгани, айниқса, қўқонарлидир.

Қишлоқ ҳўжалиги вазирлигида байрам муносабати билан ташкил этилган тадбирда соҳадаги ушбу ютуқлар алоҳида тилга олинди. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан қишлоқ мулкдорлари ҳар томонлама қўллаб-қувватланиб, моддий жиҳатдан рағбатлантирилаётгани одамларнинг ишга бўлган муносабатини ўзгартираётгани эътироф этилди. Айниқса, сув ресурслари чекланган юртимиз шароитида суғоришда тежамкор технологиялар қўлланилиб, махсулот етиштиришнинг интенсив технологияларидан самарали фойдаланилаётгани мўл ҳосил олиш имконини бераётгани алоҳида таъкидланди. Қишлоқ ҳўжала ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётган бир гуруҳ соҳа фидойилари "Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ҳўжалиги фидойиси" қўқрак нишони билан тақдирланди.

Қишлоқ ҳўжалиги ходимлари куни муносабати Самарқанда ҳам "Ҳосил байрами" тадбири бўлиб ўтди. Унда вилоят деҳқон ва фермер ҳўжаликлари, томорқа ер эгалари ҳамда соҳага алоқадор идора ва ташкилотлар ходимлари иштирок этди.

Дала меҳнаткашларининг самарали меҳнати натижасида вилоятда 664,8 минг тонна галла, салкам 180 минг тонна пахта, 276 минг 153 тонна мева, 1 миллион 120 минг 314 тонна сабзавот, 463 минг 81 тонна узум етиштирилгани, шунингдек, 1 миллион 260 тоннадан зиёд гўшт ва 954 минг литр сўт махсулотлари эл-юрт дастурхонига тортиқ қилингани эътироф этилди.

— Пахтани чуқур қайта ишлаб, ра-

қобатбардош махсулотлар тайёрлашни йўлга қўйиш мақсадида 8 та пахта-тўқимачилик кластери ташкил этилди, — дейди вилоят ҳокимининг қишлоқ ва сув ҳўжалиги масалалари бўйича ўринбосари Абдумажид Нурқулов. — Бундан ташқари, вилоятда қишлоқ ҳўжалиги махсулотлари ишлаб чиқариш, сақлаш, қайта ишлаш, қадқолаш ва экспорт қилишга ихтисослаштирилган 22 та агрокластер ҳам фаолият юритмоқда. Уларда йил давомида 106 минг тонна хом ашёни қайта ишлаш, 7 минг тонна мева-сабзавотни қуриштиш, 28 минг тонна махсулотни саралаш ҳамда 16 минг тонна ноз-неъматни сақлаш имконияти маъжуд. 2020 йилда эса галлачилик йўналишида 19 та кластер ташкил этилади.

Байрам тадбирида соҳанин бир гуруҳ фидойиларига "Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ҳўжалиги фидойиси" қўқрак нишони, вазирлик ва ҳокимлиқнинг фахрий ёрлиқлари ва қимматбаҳо эсдалик совғалар тантанали равишда топширилди.

Санаткорлар ихросидаги Ватан, юрт тинчлиги ва муҳаббатни маҳд этувчи қўқ-қўшқлар байрам иштирокчилари қайфиятига янада кўтаринкилик бахш этди.

Умуман олганда, жойларда ўтказилаётган байрам тадбирларида аграр соҳада қўқла кирилган ютуқлар эътироф этилмоқда. Фидокорона хизматлари эвазига халқимиз хонандонига барака олиб кириб, ризқу насибамиз бутунлиги, бозорларимиз фаёму баракасини таъминлашга салмоқли ҳисса қўшаётган камтарин инсонлар олқишланяпти. Зотан, соҳада эришилган бугунги натижалар мамлакатимиз иқтисодиётини барқарор сурытларда тараққий эттириш, экспорт ҳажмини ошириш, аҳоли ҳаёт даражасини юксалтиришга хизмат қилиши билан гоётада аҳамиятли ва қадридир.

Самд РАҲМОНОВ, Абдулғазиз ЙЎЛДОШЕВ («Халқ сўзи»).

Реклама ўрнида

«Асака» банки

ЖАМОАДА

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинганига йигирма етти йил тўлиши муносабати билан барча юртдошларимизни қизғин табриқлайди.

Ватанимиз равнақи йўлида амалга ошираётган эзгу ишларингизда омад тилайди.

Мамлакатимизни осойишталик, қалбларимизни шукроналик туйғулари асло тарк этмасин!

Тинчлигимиз барқарор, ҳаётимиз фаровон бўлсин!

8 ДЕКАБРЬ

“Ўзбеккино” Миллий агентлиги ва Ўзбекистон киноагроблари йқодий уюшмаси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист

Тоҳир МИРАЛИЕВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача
71-232-10-63, 71-232-11-15.
E-mail: reklamaxs@mail.ru
reklama@xs.uz



**«Дўстлик» орденли
Навоий кон-металлургия комбинати
меҳнат жамоаси**



**Асосий Қонунимиз қабул
қилинган кун муносабати билан
барча ўзбекистонликларни
қизғин табриклайди!**

Халқимиз хоҳиш-иродасини ифодаловчи
муҳим ҳужжат сифатида Конституция давлатчилик тизими
асосларини белгилаб беради, фуқароларнинг ҳуқуқ
ва эркинликлари ҳимоясини таъминлайди.

Ушбу байрам ҳамisha адолат,
тинчлик ва барқарорлик,
бахт-саодат тимсоли бўлиб қолсин!



**Муҳтарам юртдошлар,
Конституциямиз
қабул қилинган кун муборак бўлсин!**



Хурлигимиз, тенглигимиз
ва давлатчилигимизнинг
асосларидан бири бўлган
Асосий Қонунимиз халқаро эътирофга
сазovor эканлиги ҳам барчага маълум.
Сизларга оилавий тотувлик ва қут-барака
тилаган ҳолда, яна бир бор айём билан қутлаймиз!



Олмалиқ кон-металлургия комбинати жамоаси.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кун муборак бўлсин!



BEKABAD CEMENT

Ўзбекистон Республикасининг Асосий Қонунда
мустаҳкамлаб қўйилган гоё ва қадриятлар вақт синовидан ўтиб,
ўзининг чинакам қудратини намоён этмоқда.

Эртанги кунга ишонч ҳисси Сизларга доимо ҳамроҳ бўлсин,
ҳар бир эзгу ташаббус ва ишларингиз
Ватанимиз шухратига шухрат қўшаверсин!

**«Бекободцемент» АЖ
меҳнат жамоаси.**

**Конституция —
менинг тақдиримда**

**МАНФААТЛАРИМИЗ
ТЎЛИҚ
КАФОЛАТЛАНГАН**

“Ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини
йўқотганда, шунингдек боқувчисидан маҳрум
бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа
ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига
эга”.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг
39-моддасидан.

Инсон фақатгина мод-
дий тўқилишнинг ўзи би-
лангина бахтиёр яшай ол-
майди. Ҳаётда маънавий
эҳтиёжнинг ҳам ўрни кат-
та. У эса авлоддан-ав-
лодга ўтиб келаётган қад-
риятлар, ҳақ-ҳуқуқ ва кун-
далиқ манфаатлар шак-
лида қаноатлантирилади.
Бош Қонунимизни,
таъбир жоиз бўлса, биз-
га берилган маънавий
неъматларнинг гултожи,
деб атаган бўлардим. Бо-
иси унда ҳаётимиз маз-
мунли кеџиши учун зарур
бўлган ҳуқуқлар қамраб
олинганлигини ҳар бири-
миз кундалиқ турмуши-
мизда кўриб-билиб ту-
рибмиз.

Масалан, мен саломат-
лигим доимо жойида
бўлиши учун малакали
тиббий хизматдан фойда-
ланиш ҳуқуқига эга экан-
лигимдан ҳамisha хотир-
жам яшайман. Ушбу

ҳуқуқимдан фойдаланган
ҳолда тез-тез тиббий
кўрикдан бепул ўтиб ту-
раман. Нафақага чиққа-
нимга ўн беш йилдан
ошаётганига қарамай,
бардам ва тетик эканли-
гим аслида шундан. Пен-
сия пулим етарли. Мен
ишлаган корхона раҳба-
рияти ҳар йили санаторий-
ларга йўлланма беради.

Фақат бу эмас. Оила-
миз барча аъзоси сало-
матлиги давлат муҳофа-
засида эканидан кўнглим
тўқ. Конституциямизнинг
халқчини, фуқаролар ман-
фаатини ҳуқуқий жиҳат-
дан мустаҳкамлаб қўйган
жиҳатлари бисёрки, бун-
га фақат шукроналик ва
фаоллигимиз орқали жа-
воб қайтарсак тўғри
бўлади.

**Латифжон АҲМЕДОВ,
меҳнат фахрийси.**
Наманган шаҳри

**Халқ сўзи
Народное слово**

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан
рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1256. 46 664 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юзлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Ўқоқлар 71-232-11-15.



Таҳририятга келган кўзбўйлаб тақриз қилинмайди ва
муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзлаб берилиши учун оқушни
расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор
М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига
“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.
Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100000,

Тошкент шаҳри,

Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Д. Улуғмуродов.

Мусахҳиҳ — С. Исмолов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 23.10 Топширилди — 00.15 1 2 3 4 5 6

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамаси